*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

# Ishonch

2022 йил
17 март
ПАЙШАНБА
№ 34
(4630)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

# ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР ТАНЛОВИ



Саидакбар Абдураимов олган сурат

**Тошкент шаҳрида Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танлови ўтказилмоқда.**

**Танлов иштирокчилари айни вақтгача пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлишди.**

**Куни кеча эса иштирокчиларнинг парламент вакиллари, илм-фан арбоблари, олимлар ва ёзувчилар билан учрашувлари ўтказилди. Уларда ўқувчилар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислоҳотлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусидаги самимий суҳбатлардан баҳраманд бўлишди.**

**Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танлови иштирокчилари энг ҳаяжонли ва масъулиятли вазифани бажаришади. Улар она Ватанга бўлган муҳаббатини, қалбларининг тубидаги юртга бўлган садоқат туйғуларини қоғозга муҳрлайдилар.**

**Эртага эса танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилиши режалаштирилган.**

**«Ishonch»нинг навбатдаги сонида танлов жараёнлари, ёшларнинг таассуротлари ҳамда ғолиблар ҳақида батафсил ҳикоя қиламиз.**

## Кун нафаси

Президент **Шавкат Мирзиёев** Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини **бориб кўрди.**

* * *

**Давлатимиз раҳбари** Давлат солиқ қўмитасида соҳани такомиллаштириш бўйича навбатдаги вазифалар юзасидан **йиғилиш ўтказди.**

* * *

Ўзбекистон Президенти **Шавкат Мирзиёев** Қозоғистон Президенти **Қасим-Жомарт Тоқаев** билан телефон орқали **мулоқот қилди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси **Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси** бўлиб ўтди.

* * *

24-26 март кунлари биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми (ТХИФ) бўлиб ўтади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири **Иброҳим Абдураҳмонов** раҳбарлигидаги делегация **Эрон Ислом Республикасига ташриф буюрди.** Делегация аъзоларини Эрон Ислом Республикасининг Фан ва технологиялар бўйича вице-президенти Сурен Сатторий қабул қилди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасида** Испаниянинг «WES» компанияси, «OVIGEN» қўй ва эчкичилик ассоциациялари федерацияси вакилларидан иборат делегацияси аъзолари ҳамда **«Яйлов хўжалигини ривожлантириш» уюшмаси билан ҳамкорлик учрашуви** бўлиб ўтди.

* * *

Тошкентдаги Инновацион ривожланиш вазирлиги биносида Венгрия, Туркия, Италия, Россия, Нидерландия, АҚШ, Канада, Бельгия давлатлари хорижий компаниялари иштирокида **«Паррандачилик: инновацион технологиялар»** мавзусида халқаро форум ташкил этилди.

* * *

**Туризм ва маданий мерос вазирлиги вакилларидан иборат делегация** кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Франциянинг **Париж ва Руан шаҳарларида** бўлиб турибди.

* * *

Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институтида жорий йилнинг 15 март куни институт ва мамлакатимизнинг бошқа олий таълим муассасалари битирувчилари учун анъанавий **бўш иш ўринлари ярмаркаси – YTIT Job Fair – 2022** ташкил қилинди.



*Хоразм вилояти*

Касаба уюшмалари ва ёшлар

# Илҳомбахш ҳаракатлар

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

Олий ўқув юртларида кенгаш раҳбарлари иштирокида учрашувлар ташкил қилиниб, талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтариш анъанага айланган. Улар ўртасида турли танловлар уюштирилаётгани эса ўзига хос рағбат вазифасини ўтамоқда.

Айниқса, Федерация томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Касаба уюшмалари стипендияси» таъсис этилгани ёшлар учун айни муддао бўлди. Бу йил ушбу стипендияга Хоразм вилоятидан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаси Шаҳбоз Ихтиёров лойиқ деб топилди. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Оллоберган Ибодуллаевга касаба уюшмалари тизимидаги санаторийда ўз соғлиғини мустаҳкамлаши учун бепул йўлланма ажратилди.

«Ёшлар дафтари»га кирган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари бўлган талабаларнинг бир гуруҳи вилоят кенгаши томонидан рағбатлантирилди. Улардан бири Урганч давлат университети педагогика ва психология факультети талабаси Зуҳра Қурбонбоевадир.

– Касаба уюшмаларининг эътиборидан мамнунмиз, – дейди Зуҳра. – Бу бизни янги ютуқларга илҳомлантиради. Келажакда етук мутахассис сифатида юрт равнақига ҳисса қўшишни истайман.

**Бахтиёр ИСМОИЛОВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

*Самарқанд вилояти*

Муҳокама

# Истиқбол режалари белгиланди

**«СамАвто» ОАЖда 2021-2023 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг бир йиллик ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

– Корхонада меҳнат қилаётган 1358 нафар ходимдан 1244 нафари касаба уюшмаси аъзоси ҳисобланади, – дейди «СамАвто» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳрат Ҳамдамов. – Ижтимоий шериклик асосида ходимларга барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг ишга келиб-кетишлари бепул.

Жамоа шартномасида нафақат ишловчилар, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам бир қатор афзалликлар кўзда тутилган. Ходимларнинг мактабга чиққан фарзандларига ўқув жиҳозлари харид қилиш, саёҳатлар уюштириш, маданий-маърифий тадбирлар режали равишда ташкиллаштирилмоқда. Шу каби жиҳатлар ва ходимларга ижтимоий кўмак кўрсатиш масалаларида маъмурият ҳамда касаба уюшмалари томонидан бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Муҳокама асносида жамоа шартномасида кўзда тутилган вазифалар ижросига қониқарли баҳо берилди ва келгуси режалар белгилаб олинди.

**Олимжон МИРЗАЕВ,**
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд (Жиззах, Навоий) вилояти кенгаши раиси

*Бухоро вилояти*



Сарҳисоб

# ЙИЛЛИК фаолият таҳлили

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгашининг I мажлиси ўтказилди.**

Унда 2021 йил давомидаги фаолият якунлари, 2022 йилдаги устувор вазифалар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида ҳамда Раёсат аъзолари таркибини сайлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ҳисобот асносида амалга оширилган ишлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Музокаралар жараёнида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Лобар БАРАКАЕВА,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

*Тошкент шаҳри*

Эътибор

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги ташкилотлар ҳамда иш берувчилар томонидан даволаш профилактика муассасаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар муносиб рағбатлантирилмоқда.**

# Фаоллар учун рағбат



Хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Юнусобод туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми, Чилонзор тумани марказий кўп тармоқли поликлиникаси, Абу Али ибн Сино номидаги 1-Республика жамоат саломатлиги техникумида аёлларни эъзозлашга бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Уларда 100 нафарга яқин соҳа фидойилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
«ISHONCH»

**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...**









*Тошкент шаҳри*

Тадбир

# Ижтимоий шериклик асосида

**Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги 2021-2023 йиллар учун тузилган «Тармоқ келишуви»нинг 2021 йилдаги ижросига бағишлаб қўшма йиғилиш ўтказди.**



Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Бадиий академияси тизимида 54 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 4972 нафар касаба уюшма аъзоси фаолият олиб боради.

Ўтган йили икки ташкилот ўртасида тармоқ келишуви имзоланган эди. Шу асосда 2021 йил давомида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Тармоқ келишуви XIII боб, 122 банддан иборат бўлиб, имтиёз ва кафолатлар 2021 йилда тизимдаги ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларида ўз аксини топган. Тизимдаги ташкилот ва муассасаларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги жамоа шартномаларига иш берувчилар билан келишилган ҳолда, тармоқ келишувида назарда тутилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилиб, бажарилишига эришилмоқда.

Республика кенгашига фуқаролардан билдирилган ёзма ва оғзаки мурожаатларга эса амалдаги қонунчилик асосида тушунтириш ва тавсиялар берилган. Ёзма мурожаатлар ҳам ўз муддатида жойида ўрганилиб чиқилган.

Касаба уюшмалари аъзоларидан келиб тушган мурожаатлар мазмуни бўйича ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, моддий ёрдам ажратиш, ижтимоий меҳнат муносабатларига оид ва бошқа масалалар юзасидан томонлар билан музокаралар олиб борилиб, масалалар ижобий ҳал этилган.

Тадбир якунида Бадиий академиянинг бир гуруҳ ходимларига Республика кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,**
«ISHONCH»

*Наманган вилояти*

**Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси Марказий поликлиникаси лаборантлари Муножот Абдуллаева ва Маърифат Сатимова иш ҳақларига қўшимча махсус тўловлар тўлаб берилмаганидан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашига мурожаат қилишди.**

## Касаба уюшмаси аралашгач...

# ҲАМШИРАЛАРНИНГ ҲАҚЛАРИ УНДИРИЛДИ

Улар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги қарори асосида ташкил этилган коронавирус инфекциясини аниқлаш ПЗР лабораториясида ишлаган.

Ўрганишларда бу икки ходимга ишлаган вақтлари ва бажарган иш юкламалари учун иш берувчи томонидан махсус тўловлар тўлаб берилмагани тасдиқланди.

Иш берувчи томон эса махсус тўловларни тўлаб бериш учун қўшимча маблағ ажратишни сўраб юборган хатига Наманган шаҳар ҳокимлигининг Молия бўлими томонидан 2020 йил 18 декабрдаги хати орқали рад жавоби берилган.

Юқоридаги ҳолат низоли бўлгани сабабли Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Марказий поликлиника лаборанти М.Абдуллаевага ўтган йил октябрь-ноябрь ойларида коронавирус инфекциясини аниқлаш ПЗР лабораториясида ҳамшира-лаборант вазифасида ишлаган даври учун ўттиз миллион сўм миқдорида, клиник лаборатория лаборанти М.Сатимовага эса ўн беш миллион сўм миқдорида махсус тўлов ундириш бўйича суднинг қарори чиқарилди.

Оқибатда ҳар икки ҳамширага иш ҳақига қўшимча равишда тўланиши керак бўлган пуллар ундириб берилди.

**Орзугул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»

## Анжуман

**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси» мавзусида семинар-тренинг ташкил этди.**

# АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА



Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, яқинда ташкил этилган Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг аҳамияти, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритди.

Бугунги кунда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тасарруфида 60 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзоси бўлиб, шундан 33 фоизини аёллар ташкил этади.

Семинарда «Аёлларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароитини яратиш», «Аёллар ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий ва миллий механизмлари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Иштирокчилар мунозараларда фаол иштирок этди. Фаолиятлари билан боғлиқ саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Тадбир сўнггида Республика кенгаши томонидан иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Шавкат ТОИРОВ,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



*Хоразм вилояти*

Муҳокама

**Хоразм вилояти руҳий-асаб касалликлари диспансерида ўтказилган йиғилишда жамоа шартномасининг 2021 йилдаги ижроси таҳлил қилинди.**

# Манфаатлар муштарак

Қайд этилишича, муҳим ҳужжат орқали ҳар бир ходим учун сарфланган қўшимча манфаатдорлик маблағи миқдори 7 миллион 5 минг 400 сўмни ташкил қилган. Бош шифокор Маҳмуд Раҳимбоевнинг таъкидлашича, 2021 йил мобайнида меҳнат муҳофазаси тадбирларига 105 миллион 517 минг 603 сўм йўналтирилган.

Диспансерда 292 нафар аёл фаолият кўрсатади. Жамоа шартномасига улар учун кўпгина имтиёзлар киритилган. Жумладан, 2021 йил мобайнида 43 нафар аёлга 12 ёшгача 2 ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшгача ногирон боласи борлиги учун 3 кун ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар берилган. 3 ёшгача фарзанди бўлган 42 нафар аёлга иш ҳафтасининг 35 соатлик қисқартирилган иш режими ўрнатилган.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Аминбой Тойировнинг ахборот беришича, ўтган йили Наврўз байрами муносабати билан 53 нафар фаол ходимга касаба уюшмаси совғалари тарқатилган. Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан 54 нафар ҳамшира рағбатлантирилган. Ёзги мавсумда 8 нафар ходимнинг фарзандлари соғломлаштирилган. 9 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли равишда санаторийларда дам олдирилган. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ўтказган мусобақаларда муассаса жамоасининг фаол иштироки таъминланган. Юбилей саналари ва пенсияга кузатиш тадбирлари муносабати билан 7 нафар ходимга эҳтиром кўрсатилган. Янги йил байрами арафасида 400 нафар ходимнинг фарзандлари учун 18 миллион сўмлик совғалар улашилган. 15 нафар ходимга 3 миллион 450 минг сўмлик моддий ёрдам пуллари берилган. Касаба уюшма фаолини рағбатлантиришга 1 миллион 800 минг сўм маблағ сарфланган.

Йиғилиш аҳли ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлардан рози эканини билдиришди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош меҳнат ҳуқуқ инспектори Озод Адилов амалга оширилган ишларни юқори баҳолаб, ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Диспансер бош шифокори Маҳмуд Раҳимбоев намунали ижтимоий ҳамкорлиги учун вилоят кенгаши фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Тадбирда 2022-2024 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси қабул қилинди.

**Гулхоним АМИНОВА,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари

*Навоий вилояти*

Пленум

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгашининг 1-пленуми бўлиб ўтди.**



# Муҳим вазифалар нималардан иборат?

Унда вилоят соғлиқни сақлаш ҳамда соҳа касаба уюшмалари тизимга бевосита алоқадор бўлган барча ходим ва масъуллар иштирокида 2021 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши раиси Феруза Раҳимованинг таъкидлашича, ўтган бир йил давомида жойлардан 5321 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 3458 таси ёзма, 1822 таси оғзаки мурожаатлардан иборат. Шунингдек, яна 41 та мурожаат «Ишонч телефони» орқали етказилган. Мурожаатларнинг энг кўп қисми, яъни 2791 таси бевосита моддий ёрдам ва турли сиҳатгоҳларда дам олиш учун ажратиладиган йўлланмалар муаммоси билан боғлиқ. Меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқий ёрдам, ишга жойлаш ва ишдан бўшатиш каби масалаларни қамраб олган мурожаатлар сони ҳам бир неча юздан ортиқни ташкил этди. Жами мурожаатларнинг 3376 тасида кўрсатилган муаммолар ўз вақтида бартараф қилинди. 576 таси кўриб чиқиш учун судларга жўнатилди.

Ўтган йил давомида Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамкорликда ўтказган турли тадбирларда тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган минглаб ёшлар, ўрта ва кекса ёш вакиллари, фахрийлар фаол иштирок этган.

Пленум давомида Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Бегматов, Навоий вилояти болалар юқумли касалликлари шифохонаси касаба уюшма қўмитаси етакчиси Замира Ниёзова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева соҳада жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим масалаларни муҳокамага ташлади. Муҳокамалар чоғида иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро манфаатларини уйғунлаштириш истиқболдаги муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

**Нормурод МУСОМОВ,**
«ISHONCH»

*Қашқадарё вилояти*

Жамоа шартномаси – амалда

# Яхши-ёмон кунда елкадош

**Шавкат Пармонов «Gissarneftgaz» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятида ишлайди. Турмуш ўртоғи Маҳлиё Қаршиева хасталаниб, жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказгач, Шавкат ёрдам сўраб, касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилди. Жамоа шартномасига кўра, унга дори-дармон харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш мақсадида моддий ёрдам ажратилди.**

Шимолий Ғузор 3-кон кузатувчиси Шаҳобиддин Худоёров Тошкентдаги «Травматология институти» клиникасида жарроҳлик столига ётди. Қўриқчи Фарҳод Тошпўлатов эса онасини Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий марказининг Қашқадарё вилояти филиалида даволатди. Уларга ҳам дори-дармон харажатларининг ярми қоплаб берилди.

Шунингдек, корхонанинг қудуқларни мукаммал таъмирлаш цехи ёрдамчи бурғуловчиси Акмал Нармановга ўғлини даволатгани учун, бурғуловчи Фарҳод Холматовга ўзи муолажа олгани сабаб касаба уюшма қўмитаси қарори билан моддий кўмак кўрсатилди. «Covid-19» билан оғриган 4 нафар ходимга 1 миллион сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.



Корхона қўриқчиси Боймаҳмат Бўриевнинг икки нафар фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқийди. Унинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, унга республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 4 баравари миқдорида кўмак берилди. Цех ошпази Камол Тўхтаевнинг бошига мусибат тушди. Отасидан ажраб олди. Унга жамоа шартномасига кўра, 4 миллион 110 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхонада кўп йилдан бери ишлаб келаётган Абдукарим Зарипов, Юсуф Қодиров, Бойқора Поёновнинг 50 ёшга, Панжи Эшонқулов ҳамда Январ Невараевнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан улар ҳам моддий рағбатлантирилди.

Жамоа шартномасида, шунингдек, ишда фаоллик кўрсатган ходимларни рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Унга кўра, 2021 йил якунлари бўйича «Энг фаол ишчи» ва «Энг фаол муҳандис техник ходими» номинациялари бўйича энг яхшилар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Корхонада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида тез-тез спорт мусобақалари уюштириш ва фаол иштирокчиларни муносиб тақдирлаш йўлга қўйилган бўлиб, бу тадбирлар жамоа шартномаси бандларининг иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан тенг шерикликда бажарилаётганига ёрқин мисол бўла олади.

Ходимпарвар касабақўм раиси Жўрақул Амиров бўлаётган ҳар бир мурожаатни тез ва кечиктирмасдан ижобий ҳал қилишга, жамоа шартномаси бандларини амалда қўллаб, ходимларнинг яхши-ёмон кунида, соғломлиги-ю беморлигида елкадош бўлишга ҳаракат қилади. Энг асосийси, у инсон қадрини улуғлашни ўзи учун ҳаётий ақида деб билади...

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

Таҳлил



# АРАВАНИНГ ҚУРУҚ ОВОЗИ

## Ёхуд танқидий мақолаларга айрим расмий муносабатлар ҳақида мулоҳазалар

Бугун жамиятимизда сўз эркинлиги қарор топмоқда. Телерадиоканаллар, босма нашрлар ҳамда ижтимоий тармоқларда таҳлилий ва танқидий-таҳлилий чиқишлар кўпайди. Натижада юрт ривожига тушов бўлаётган ва одамларни қийнаб келаётган хато-камчиликларнинг аксарияти ижобий ечим топмоқда.

Аммо масъул шахслар ва амалдорларнинг барчаси ҳам бундай чиқишларга холисона ва адолат нуқтаи назаридан ёндашяпти, деб бўлмайди. Баъзилари масалага лоқайдлик билан қараб, фақат расмиятчилик учунгина муносабат билдиришмоқда.

Ўтган йили «Ishonch» газетасида 250 тага яқин танқидий мақола чоп этилди. Шундан 176 таси ўрганиб чиқиш учун тегишли ташкилотларга юборилди. Амалда уларнинг 71 тасига юмалоқ-ёстиқ жавоблар олинди.

Хусусан, Халқ таълими вазирлиги соҳадаги муаммоларга доир мақолалар бўйича юборилган йигирмата хатнинг бор-йўғи бештасига расмий жавоб йўллади. Соғлиқни сақлаш соҳаси масъуллари эса ўн битта танқидий мақоланинг тўрттасига муносабат билдиришди. Ҳудудлардаги муаммолар юзасидан Тошкент шаҳри, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликларига юборилган бир нечта хатга ҳам тайинли жавоб ололмадик.

Ёки бошқа мисол. Газетанинг 2021 йилги 14 апрель сонида чоп этилган «Китобдан қўлингни торт, саводсиз!» сарлавҳали мақола катта шов-шувларга сабаб бўлди. Ҳатто «O`zbekiston» телеканали орқали бериладиган «Муносабат» кўрсатувининг икки-учта сони ҳам унда тилга олинган мавзуга бағишланди. Аммо амалда ҳеч қандай натижага эришилмади. Бизнинг бу хусусдаги хатимизга эса мутасаддилар оғзаки муносабат билдириш билан кифояланишди. Ваҳоланки, Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бу ишларга масъул ҳисобланади. Қолаверса, унинг тасарруфида айнан шу масалалар билан шуғулланадиган Мониторинг маркази ҳам бор. Ушбу марказ масъуллари муаммони синчиклаб ўрганиб чиқишганида эди, нашр этилаётган китоблар савияси ва сифатини яхшилаш борасида муайян ўзгаришлар рўй бериши аниқ эди.

> *Ўтган йили «Ishonch» газетасида **250 тага яқин** танқидий мақола чоп этилди. Шундан **176 таси** ўрганиб чиқиш учун тегишли ташкилотларга юборилди. Амалда уларнинг **71 тасига** юмалоқ-ёстиқ жавоблар олинди.*

Фуқароларнинг шикоят-аризалари асосида ҳудудлардаги муаммоларни холисона ёритиш таҳририятнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Шунга кўра, бултур ҳам газетамиз саҳифаларида муштарийлардан келган хатларни ёки улар асосида тайёрланган мақолаларни мунтазам равишда эълон қилиб бордик. Ўз навбатида, уларда баён этилган муаммоларни жойида атрофлича ўрганиш ва ҳал этиш, зарур чоралар кўриш учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига хатлар юбордик. Таассуфки, бу борадаги натижалар ҳам унчалик қувонарли бўлмади. Чунки таҳририятга келган расмий жавобларда ўша хатлар ва мақолаларда ифодасини топган камчиликлар баайни ҳақиқат экани тан олинганига ва жиддий чоралар белгиланганига қарамай, амалда тайинли ўзгариш сезилмади.

Мана, сўзимизнинг исботи. Газетада шу йил 27 январда чоп этилган «Сувга кетиб...» сарлавҳали мақолада Бешариқ туманидаги Капаянги қишлоғида яшовчи 1500 нафардан зиёд аҳоли узоқ йиллардан буён тоза ичимлик сувига ёлчимаётгани тўғрисида ҳикоя қилинганди. Қарангки, фарғоналик раҳбарлар мазкур чиқишга орадан бир ой ўтиб муносабат билдиришди. Вилоят ҳокими ўринбосари Х.Исақов имзо чеккан жавоб хатида мақоладаги эътирозлар тўғри экани таъкидланган ва «Фарғона сув таъминоти» МЧЖ муаммони бартараф этиш учун 2023 йилги Инвестиция дастурига киритиладиган таклиф лойиҳасини тайёрлагани айтилган.

– Тўғри, танқидий чиқишдан сўнг юқори идоралар вакиллари қишлоғимизга келиб, ҳақиқий вазият билан танишдилар, – дейди капаянгилик Абдуғиёс Хўжақулов. – Биз бундан ғоят қувондик. Аммо, кейин билсак, қишлоғимизни ичимлик суви билан таъминлаш масаласини келгуси йилга мўлжалланган дастурга киритиш бўйича тегишли таклиф лойиҳаси тайёрланаётган экан, холос. Демак, орзумиз ушалиши учун ҳали анча қовун пишиғи бор экан. Яна нима эмиш, қишлоқ аҳолиси ушбу муаммо бўйича қанча кўп овоз берса, шундагина ўзгариш бўлармиш. Қизиқ, маҳаллий аҳоли ўтган асрнинг 60-йилларида қазилган эски қудуқдан чиқаётган сувни ҳар куни узоқ навбатда туриб, машина, мотоцикл, эшак арава, замбил, велосипедда челак, пластмасса ва темир флягаларда ташиб кун кечираётганини, қишлоққа қўшимча қудуқ зарурлиги ва кўчаларга обиҳаёт тармоқлари тортилиши кераклигини ҳамма кўриб-билиб турган бўлса, бу масалани овозга қўйиш қанчалик инсофдан? Бундан кимга ва қандай фойда бор? Тўғриси, биз шу пайтгача катта-кичик идоралар остонасига бош уриб, ҳасратларимизни айтишдан чарчадик, лекин масъуллар бизни алдашдан чарчашмаяпти. Бундай дейишим бежиз эмас. Бизга аввал ҳам қишлоғимиз 2015 йилги дастурга тушганини айтишган, аммо ваъдалари устидан чиқишмаганди.

Модомики шундай экан, ўз-ўзидан ҳақли саволлар туғилади: хўш, фарғоналик раҳбарлар узоқ вақтдан буён одамларни ташвишга солиб келаётган муаммони ҳал этишни нега пайсалга солишяпти? Бу аслида ўз бурчига масъулиятсизлик билан ёндашиш, инсон қадрини топташ ва одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига қаршилик қилиш эмасми?..

Шунга ўхшаш яна бир ҳолат. «Ishonch»нинг жорий йил 13 январдаги сонида босилган «Ижтимоий масканларсиз янги мавзе» сарлавҳали мақола ҳам кўпчилик эътиборини тортди. Чунки унда уч йилча бурун пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида барпо этилган «Спутник – 16 А» мавзесида тиббиёт муассасаси ва мактаб йўқлиги, болалар боғчаси ҳудудда яшовчи оилалар фарзандларини тўлиқ қамраб олмагани, мавзени шаҳар маркази билан тўғридан-тўғри боғловчи жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилмагани, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият юритмаётгани, спорт майдончалари барпо этиш учун мўлжалланган майдончалар ҳамда турар-жой бинолари ён-атрофи чиқиндиларга тўлиб-тошиб ётгани, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари оқсаётгани рўй-рост очиб берилганди.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлигидан, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятидан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасидан жавоб келди. Уларда таъкидланишича, мавзе аҳолисининг йўловчи транспортига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 12-автобус саройи томонидан «Бинокор қўрғони – Сергели ярмаркаси» йўналиши бўйича 184-автобус қатнови ташкил этилган. Бироқ ҳудудда қурилиш ишлари олиб борилиши натижасида ушбу йўналишда қатновчи автобус ҳаракати 2021 йил 17 ноябрдан эътиборан Қипчоқ ва Янги Сергели кўчалари бўйлаб, «Ярмарка» бекатигача қисқартирилган. Расмий хатда тез орада бу камчиликлар бартараф этилиб, натижаси бўйича қўшимча маълумотлар берилиши эслатилган. Иккинчи жавобда мавзедаги «Хушнуд» МФЙда жойлашган кўп қаватли уй-жойларда яшовчи фуқароларнинг розилиги билан «Янги ҳудуд» бошқаруви ташкилотига бириктирилгани маълум қилинган. Шаҳар ҳокимлиги расмий жавобига илова қилинган «Махсустранс ИЧБ» ДУК хатида эса мақолада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан «Янгиҳаёт-Махсустранс» автотранспорт филиалига тегишли кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олингани ҳақида сўз боради холос. Афсуски, мақолада қайд этилган бошқа масалалар юзасидан ҳамон тегишли ташкилот-идоралардан жавоб олганимиз йўқ.

> *Газетада шу йил **27 январда** чоп этилган **«Сувга кетиб...»** сарлавҳали мақолада Бешариқ туманидаги Капаянги қишлоғида яшовчи 1500 нафардан зиёд аҳоли узоқ йиллардан буён тоза ичимлик сувига ёлчимаётгани тўғрисида ҳикоя қилинганди. Қарангки, фарғоналик раҳбарлар мазкур чиқишга орадан бир ой ўтиб муносабат билдиришди.*

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари «Ҳақиқат ва адолатни ўз эътиқоди деб биладиган барча журналистларни – ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари, ўзимнинг энг яқин дўстларим деб биламан ва улар ҳамиша Президент ҳимоясида бўлади», деб турган бир пайтда мутасаддилар танқидга соғлом кўз билан қараб, камчиликларни бартараф этмасалар, оммавий ахборот воситаларининг эзгу мақсаддаги чиқишлари бесамар кетаверади. Қайсики ташкилот-идора раҳбарияти ўз фаолиятида йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатиш ва мавжуд муаммоларга ижобий ечим топиш учун ҳаракат қилмаса, ўша тизим ёки соҳада ривожланиш бўлмайди. Бу ҳаммамиз биладиган ва тан оладиган оддий, аммо аччиқ ҳақиқатдир!



**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
«ISHONCH»

Луқма

# «КОТТА БОЛЛАР» МИНАДИГАН МАШИНА

**Ўғлим анчадан буён енгил автомобиль олиш орзусида юрган эди. Бир куни нонушта устида мендан «Ойижон, сизга қанақа рангли машина кўпроқ ёқади?» деб сўраб қолди. «Маҳаллий иқлимимизга унчалик тўғри келмаса-да, қора ранглиси маъқулроқ», дедим. Келиним «Менга пушти ранглиси ёқади, шунақасидан олинг», деди.**

Танловимиз икки хил чиққанидан қайнона-келин маза қилиб кулишиб олдик. Ўғлим эса ўша куни бизга «сюрприз» тайёрлаган экан, кечқурун уйимизга қора рангли «Спарк» ҳайдаган ҳолда кириб келди.

Мен сўнгги пайтларда ишга асосан жиянимнинг машинасида бориб келардим. Унинг машинаси ҳам «Спарк», фақат ранги оқ. Йўлда ДАН ходимлари бизни тўхтатишганини эслолмайман. Ўғлимнинг «Спарк»ига ҳозирга қадар атиги тўрт-беш марта ўтирган бўлсам-да, ҳар сафар ДАН ходимлари тўхтатишганининг гувоҳи бўлдим. Бундай ҳолатларда ўғлимни «Йўл қоидасини буздинг, шекилли. Ҳушёр бўлсанг бўлмайдими?», деб койийман. У «Хавотирланманг, ойижон, мен қоидани бузганим йўқ. ГАИ ходимлари фақат ҳужжатларни текшириб кўришмоқчи», дейди.



Яқинда жиянимга шу ҳақда сўз очгандим, у мийиғида кулди. Кейин сабабини тушунтирди. Унинг айтишича, қора рангли машиналарни асосан «котта боллар», янада аниқроқ қилиб айтганда, «крутойлар» минар эмиш. Бу тоифага эса айрим амалдору бой-бадавлат кишиларнинг эркатой фарзандлари кирармиш. Энг ачинарлиси, уларнинг аксарияти йўл қоидаларига риоя қилмас, баъзилари эса маст ҳолда рулга ўтирар экан. Шу боис ДАН ходимлари қора рангли машиналарни ҳужжат текшириш баҳонасида тўхтатишар экан...

Мен бу гапни эшитиб, ўғлимга ачиниб кетдим. Бояқиш аслида менинг эмас, келинимнинг хоҳишига қараб, пушти рангли машина олса бўларкан...



**Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,**
«ISHONCH»

Мушоҳада



**Маҳсулот харид қилаётганимизда доим ҳам эътибор бермайдиган жиҳатлар бисёр. Жумладан, савдо шохобчалари ёки дўконларда «майский» ёки «уй тухуми» ёзуви остида сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига кўзимиз тушади. Лекин сотувчидан унинг нега айнан шу ном билан аталишини тасдиқловчи ҳужжат сўралса, топиб бера олмайди.**

# ЁРЛИҚДА НИМА КЎРСАТИЛГАН?

*ёхуд маҳсулот сифатига фақат сотувчи масъулми?*

Ёки айрим буюм дўконларида маҳсулот айнан Туркия ёки Хитойга тегишли экани айтилади-да, ёрлиғида айнан ўша давлатда ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи бирон-бир белги мавжуд эмас.

Аммо биз андишали халқмиз. Индамай қўя қоламиз. Аслида буни сўрашга ҳақлимиз.

Германияда муддати ўтган маҳсулотларни сотганлик ёки харидорни алдаганлик учун ўртача жарима 20 минг еврони, Бирлашган Араб Амирликларида 25 минг еврони ташкил этади. Қозоғистонда бундай қонунбузарликлар учун 4 миллион тенгегача, Россияда эса 50 минг рублгача жарима ёки муқобил вариант сифатида дўкон фаолиятини 90 кунгача тўхтатиб қўйиш чоралари қўлланилади. Шунингдек, муддати ўтган ёки сифатсиз маҳсулотлар бир кишидан ортиқ инсон ўлимига олиб келса, жиноий жавобгарлик қўлланилиб, 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига мувофиқ, истеъмолчиларга била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шу жумладан, товар истеъмолига оид хусусиятлар ёки сифати хусусида чалғитиш туфайли истеъмолчиларга зарар етказиш – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Шу ўринда савол туғилади: аслида маҳсулот қадоғи ёки ёрлиғида нималар акс этиши керак.

Маълумотларга кўра, ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи (юридик манзили), ишлаб чиқарувчининг товар белгиси (агар мавжуд бўлса), саралаш вақти, яроқлилик муддати ва сақлаш шартлари, озуқавий қиймати, сертификатлаш маълумотлари, мисол учун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» каби ёки экспорт учун «Made in Uzbekistan» ёзувлари бўлиши керак. Айни пайтда ҳуқуқлари бузилган истеъмолчилар учун Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ишонч телефони ҳам ишлаб турибди.

Энди ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: маҳсулотни сотиб олишда юқоридаги жиҳатларга қачон аҳамият қаратамиз? Бизни алдашларига токайгача сабр қиламиз?

Ахир ўзимиз ўзгармасак, талаб қилмасак, сифат ҳам ўзгармайди.



**Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,**
«ISHONCH»

Эълон

## «Best realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога «PORTLATISHSANOAT» АЖнинг 2022 йил 14 мартдаги №44-сонли буюртманомасига асосан жамиятга тегишли, Фарғона вилояти, Фарғона тумани, «Чекшўра» ҚФЙ, «Саткак» МФЙ манзилида жойлашган, ер участкаси майдони 4,013744 га., жами умумий қурилиш ости майдони 2241,40 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар – 5 545 400 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2022 йил 18 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилиш 2022 йил 15 апрель куни 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2022 йил 18 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2022 йил 3 ва 18 май кунлари соат 14:00 да бўлиб ўтади.

Такрорий савдо кунлари учун аризаларни қабул қилиш такрорий савдо кунларидан 1 кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб харидорга шартномага мувофиқ сотиб олиш тўловларини тўлаш юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси – «Best realtor» МЧЖ нинг АТБ «Kapitalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000500433601001, МФО: 00445, СТИР: 303179580.

Савдода қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 25-уй. Телефон: (90) 185-38-79. Электрон почта:emulkuz@mail.ru

**Лицензия RR-0225**

*Тошкент шаҳри*

Мусобақа



# ҚИЗҒИН КЕЧДИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармаси пойтахтимиздаги Яккасарой спорт мажмуасида аёллар ўртасида спортнинг стол тенниси, бадминтон, шахмат-шашка ва дартс турлари бўйича мусобақа ўтказди.**

Унда 250 нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Шунингдек, Яккасарой туманидаги таълим масканларининг талаба ҳамда ўқувчилари учун ҳам спорт мусобақалари ўтказилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўртасида ўтказилган стол тенниси ва дартс мусобақалари ҳам қизғин кечди.

**Ўз мухбиримиз**

*Самарқанд вилояти*

# СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН

**Самарқанд шаҳрида тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган аёллар иштирокида «Спорт – нафислик ва саломатлик манбаидир» шиори остида мусобақалар уюштирилди.**

Спортнинг волейбол тури бўйича бўлиб ўтган баҳсларда 11 та жамоадан 110 нафар аъзо иштирок этди. Қизғин ва муросасиз баҳсларда Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси барчани ортда қолдирди. Пахтачилик саломатлик посбонлари иккинчи ўринга лойиқ топилди. Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Ғолибларга Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгашининг фахрий ёрлиқ ва совринлари топширилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»



Яхшилик бутун бўлади



# КЎЧАТ ЭКДИНГМИ, ПАРВАРИШИГА ҲАМ ЎЗИНГ МАСЪУЛ БЎЛ!

**Юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган «Яшил йиллик» умуммиллий тадбири қизғин давом этмоқда. Серғайрат юртдошларимиз ҳовли ва кўча бўйларига, хиёбон ва далаларга кўчат экишяпти. Бир неча йилдан сўнг кўчатлар бўй чўзади ва юртимиз ҳавоси янада мусаффолашади.**

Юртимизда ҳар баҳорда кўкаламзорлаштириш ишлари бошланади, кўчатлар, гуллар экилади, майса уруғлари сепилади. Бу хайрли ишда кўпчилик қатнашади. Умумхалқ ҳашарлари уюштирилади. Галстук тақиб юрадиган раҳбарлар ҳам кўчат экишда қатнашади ва мухбирларга интервью бериб, ҳаммани хайрли ишда фаол қатнашишга даъват этади. Шу билан уларнинг иши тугайди, экилган кўчатлар унутилади. Агар шу йилгача экилган барча кўчатлар кўкарганда эди, юртимиз аллақачон боғу бўстонга айланарди. Эҳтимол, ҳозир кўчат экишга жой излардик.



Савол: «Нега уй эгасининг ҳовлисига, боғбоннинг далага эккан кўчати ҳар доим кўкаради?». Чунки улар кўчат экиш қоидаларига тўлиқ риоя этишади, кейин меҳр билан парваришлайди, асрайди». Ҳашарларда эса кўчатлар хўжакўрсинга тупроққа қадалади ва қаровсиз қолдирилади. Иссиқ кунлар бошланиши билан кўчатлар сувсизликдан сарғаяди, саратондаги жазирамада қовжирайди.

Афсуски, чанқаган ўсимликларни суғориш ўрнига «Келгуси йили ҳам кўчат экиш учун атайин унмайдиган кўчатларни экишган», дейдиган кимсалар ҳам топилади. Бу иддао ёлғон. Олти йил олдин уйимиз атрофидаги йўл чеккасида сувсизликдан сарғайган бир ярим қаричлик арча кўчатига кўзим тушди. У чеккароқда бўлгани учун ҳеч ким эътибор бермаган ва бирга экилган бошқа кўчатлардан ортда қолиб кетганди. Уйга келиб, идишда сув олиб чиқдим ва арчанинг тагига қуйдим. То куз келиб, ёмғир мавсуми бошлангунча бу ишни давом эттирдим.

Табиат қонуни шуки, кўчат ўсгани сайин унинг минерал моддаларга бўлган талаби ҳам ошиб боради. Гул дўконидан минерал ўғит сотиб олиб, уни кўчат тагига солдим. Меҳр билан суғордим. Арчанинг яшнаб бўй чўзаётганини кўрсангиз эди, дилингиз яйрарди. Хуллас, иссиқ кунлар кўчат тагига сув қуйишни канда қилмадим. Ҳозирги кунда арчанинг бўйи мендан икки ярим баравар баланд, бирга экилган арчаларга тенглашди.

Биз ҳозирдан экилган кўчатларни асрашга, парваришлашга эътибор қаратишимиз зарур. Тўғри, экилган кўчатларнинг униб-ўсишига масъул бошқарма бор. Лекин уларга қўшимча равишда «Кўчат экдингми, унга ўзинг масъулсан» тамойили жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда ҳар бир экилган кўчат қаровсиз қолмасди, яшнаб кўкарарди.

Яқин кунларда ҳаво исий бошлайди. Эккан кўчатларимизни суғоришни эсдан чиқармайлик. Агар ҳар биримиз ёзда уйимиз атрофида «сув, сув» дея илтижо қилаётган кўчатларга сув қуйиб турсак, жуда катта иш қилган бўламиз.

Ўттиз йиллар муқаддам ботаник олимадан интервью олганимда, у мендан «Саҳрои кабир қандай пайдо бўлганини биласизми?» деб сўраб қолди ва ўзи жавоб берди: «Саҳрои кабир ўша жойда битта гиёҳ сабабсиз юлиб ташлангандан кейин саҳролаша бошлаган».

Дарҳақиқат, яқинда ернинг сунъий йўлдоши орқали олиб борилган илмий кузатишлар натижасида Саҳрои кабирнинг қум қатламлари остида шаҳар қолдиқлари борлиги маълум бўлди. Шундай экан, унутмайлик, бирон кўчатни, умуман ўсимликларни қаровсиз қолдириш, ҳатто уларнинг битта шохини беҳуда синдириш юртимиз табиий муҳитига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон ўзимизники бўлгандай, унинг бағрида ўсаётган ўсимликлар дунёси ҳам ўзимизники. Уларни авайлаб-асраш ва парваришлаш ҳар биримизнинг вазифамиздир.



**Асрор МЎМИН,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист




Кунлардан бир куни...

# ТАКСИЧИЛАРГА ТАНИШ КЎЧА

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири ва таниқли жамоат арбоби Эркин Воҳидов (1936-2016) бир сафар кечки зиёфатдан уйига қайтаётиб таксига чиқади. Йўл-йўлакай «Ўнгга юринг, чапга буринг», деб ҳайдовчига йўл кўрсатиб боради. Ниҳоят, ўзи яшайдиган «Ҳувайдо» маҳалласига етганда ҳайдовчининг энсаси қотиб, унга иддао қилади:

– Боядан бери эзмаланмай, Эркин Воҳидовнинг кўчасида тураман десангиз бўлмасмиди, ока!

Эркин ака мулойим жилмайганча бош ирғаб, «айб»ини ноилож тан олади.

**Шодмон ОТАБЕК**

*Фарғона вилояти*



Ички туризм

# АЖОЙИБ СОВҒА

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан тиббиёт муассасаларида меҳнат қилиб келаётган 100 нафар ходимнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари бўйлаб саёҳати ташкил этилди.**

– Қадимий шаҳарларга бўлган ташриф биз, аёллар учун ҳақиқий совға бўлди, – дейди Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифокори Нигорахон Турсунова. – Саёҳат таассуротларга бой ўтди. Дунёни лол қолдираётган бу шаҳарларга меҳримиз янада ошди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

Тил сандиғи



# ТУСНИНГ УСМОЛИ

**«Фалончи бизга тус тоға бўлади», «тус амма», «тус жиян»... Бу иборалар кимгадир яхши таниш, баъзи шеваларда эса унутилган. Хўш, мазкур сўз бирикмаларидаги «тус» қандай маъно билдиради?**

«Ўзбек халқ шевалари луғати»да бу сўз учрамайди, шу боис унинг қайси шева ва ҳудудларда қўлланиши ҳақида аниқ фикр айтиш қийин. Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё шеваларида ишлатилиши маълум. «Тус тоға/жиян/амма/хола...» каби сўз бирикмаларида у: «туғишган, асл, ҳақиқий, тўғридан-тўғри» каби маъноларни билдиради.

Айнан «тус» шаклида бу сўз Навоий ёки Бобур асарларида учрамайди. Аммо қадимги мўғул тилида битилган «Мўғулларнинг сирли тарихи» асарида унинг айнан шу шакл ва маънода ишлатилганини кўриш мумкин. Шу ўринда бу асарнинг туркий сўзга нима алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, бу асарда туркий сўзлар шу қадар кўпки, унга баъзан қадимги туркий тилга дахлдор манба сифатида ҳам мурожаат этиш мумкин.

«Мўғулларнинг сирли тарихи» асарининг 188-параграфида Кокочу ахтачининг хоинлик қилгани тўғрисидаги ибратли воқеа ҳикоя қилинади. Керайитлар мағлуб бўлгач, қочишга юз тутган Ўнгхон (Тўғрил) ўлдирилади. Шундан сўнг, Ўнгхоннинг ўғли Санггум хизматкори Кокочу ахтачи ва унинг хотини билан қочиб бепоён чўлга юзланади. «Ахтачи»нинг маъноси «отбоқар», мўғуллар жамиятида ахтачи хонга яқин лавозим ҳисобланган, Кокочу ахтачини эса Санггум ўзининг энг содиқ навкарларидан деб билган. Сувсиз чўлда чанқаган Санггум отидан тушиб, сув истаб, олдиларидан чиққан қулонлар подаси томон юради. Пайтдан фойдаланган Кокочу ахтачи мағлуб хонидан юз ўгириб, унинг отини ҳам олдига солиб, ортга қайтишга тараддудланади. Шунда унга хотини: «Эй Кокочу, хон сени едириб-ичирди, ҳурмат қилди, қийин аҳволга тушганда сен уни ташлаб кетасанми?», қабилида сўзлайди. Чингизхон ҳузурига бош уриб келган Кокочу – Санггумни чўлда сувсиз, уловсиз, ёлғиз қолдиргани учун мамнун бўлади ва мукофотлайди, деган гумон билан воқеани хонга гапириб беради. Чингизхон ўша заҳоти Кокочуни ўлимга ҳукм этади, унинг хотинига эса иззат-икром кўрсатилишини буюради ва шундай дейди: «Бу Кокочу ахтачи ТУС ХОНини сотиб, менинг ҳузуримга келди, энди унинг содиқлигига ким ишонади?». Бу жумла аслиятида шундай сўзлар бор: «... mün Kököčü aqtači-yï TUS QANïyan ...», яъни аслиятда айнан: «tus qan», деб ёзилган бўлиб, бу «асл хон» маъносини билдиради. Бу мўғулча сўз эмас, шу боис асарнинг ҳозирги мўғул тилига қилинган табдилида «tus qan» – «хан эзнээ», яъни «ўз хонига», деб, русча С.А.Козин таржимасида: «своего природного хана», деб ўгирилган.

Аслида, бу сўзнинг қадимги туркий шакли «тус» эмас, «тўз» бўлган ва «Девону луғотит-турк»да у шундай изоҳланган: «тўз – асл, таг, асос. Äніҥ түбі, түзі ким – унинг таги, асли ким. Кимга бориб тақалади». Шунингдек, «тўз» сўзининг: «тўғри, текис (ер)» каби маънолари ҳам бор. Замондош адибимиз Эркин Аъзам бир ҳикоясида: «Эшитгандирсиз, жиян, бўлангиз ТУС қирнинг бошига қаср қурди!» – жумласи бор. Бу жумлада адиб «тус»нинг «текис», «тўғри» каби маъноларини кўзда тутган бўлиши мумкин.

«Қутадғу билиг»да ҳам бу сўзни «тўз» шаклида кўп учратамиз («Көни йол үзә түз тута тэр мэні», – яъни, «мени тўғри йўл узра тўғри тута бер»). Эргаш Фозилов ҳам «Староузбекский язык хорезмийские памятники XIV века» китобида ҳам «тўз» сўзига кўплаб мисоллар келтирган. Бу эса Хоразмда ҳам бу сўз фаол истеъмолда бўлганидан дарак беради. Навоий, Бобур асарларида ҳам бу сўз «туз» шаклида учрайди.

Алқисса, «тус» қадимги туркийдаги «асл, таг, асос» маъноларидаги «тўз» сўзининг талаффузга мослашган, эҳтимол, қипчоқлашган кўринишидир. «Тус тоға», «тус жиян» каби иборалар: «асл (ўгай эмас) тоға», «ҳақиқий, туғишган жиян» маъноларини билдиради.

**Абдувоҳид ҲАЙИТ,**
филология фанлари номзоди

*Сирдарё вилояти*

# КАЙФИЯТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё тумани кенгаши яқинда 57 нафар касаба уюшма аъзосини рағбатлантирди. 380 нафар аёлга концерт учун чипта олиб берилди.**

Кенгаш ташаббуси билан уюштирилган пойтахт бўйлаб саёҳат ҳам таассуротларга бой бўлди.

– Тошкентга тез-тез келиб тураман. Лекин зарур юмушимни битирамани, ортга қайтиб кетишга тўғри келади, – дейди Дилором Мирзақулова. – Кундан-кунга гўзаллашаётган шаҳарни, янги боғларни айланишни ният қилган эдим. Касаба уюшмаси орзуимнинг амалга ошишига кўмакчи бўлди. Катта жамоа билан биргаликда куй-қўшиқларни тингладик, рақсга тушдик. Чарчоқларимиз ёзилиб, кўтаринки кайфиятда қайтдик.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«ISHONCH»

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ** *(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ** *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ** *(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК** *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** – (+998-91) 406-43-24
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** С. Абдураҳмонов

**Мусаҳҳиҳлар:** Д. Худойберганова, У. Худойберганова

**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **23:15**
Топширилди – **23:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **V- 5073**
**34419** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130